

Nigora YUSUPOVA

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF  
UZBEKISTAN, DSc, docent of the Department of Social  
and Humanitary Sciences.

n.yusupova@iiaau.uz Uzbekistan, Tashkent, 100011,

A.Kadiri, 11.

**ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА НИКОҲ ШАРТЛАРИ  
ВА НИКОҲГА МОНЕЛИК ҚИЛАДИГАН  
ҲОЛАТЛАР****УСЛОВИЯ БРАКА И ОБСТОЯТЕЛЬСТВА,  
ПРЕПЯТСТВУЮЩИЕ ЗАКЛЮЧЕНИЮ  
БРАКА В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ****CONDITIONS OF MARRIAGE AND  
CIRCUMSTANCES PREVENTING  
CONCLUSION OF MARRIAGE IN ISLAMIC  
LAW**

**Калит сўзлар:** оила, никоҳ, никоҳ шартлари, розилик, гувоҳлар, кафоат, маҳр, монелик, никоҳ ёши, муомала лаёқати, ҳуқуқ лаёқати.

**Ключевые слова:** семья, брак, условия брака, согласие, свидетели, равенство, махр, препятствие, брачный возраст, дееспособность, правоспособность.

**Keywords:** family, marriage, marriage conditions, consent, witnesses, equality, mahr, obstruction, marriage age, legal capacity.

Исломда оилавий муносабатларнинг умумий жамият ҳаётлари, ижтимоий-тарихий негизларини, унинг маданий-маънавий хусусиятларини ҳамда исломда оилавий муносабатларнинг тартибига солинишининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий-ташқилий жихатдан ўзига хослигини ислом ҳуқуқининг асосий манбалари ҳамда диёримиздан етишиб чиққан фақиҳларнинг илмий мерослари асосида тадқиқ этиш ва ҳалқимиз турмуш тарзининг муҳим жихатлари ҳисобланмиш одат ҳуқуқи билан илмий-қийосий ўрганиш диний, сиёсий ғоявий қурашлар кетаётган ҳозирги кун учун ўта аҳамиятлидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган оилавий ажримларнинг тобора кўпайиб бораётгани сабабларини баргараф этишда шарият кўрсатмаларини ўрганиш орқали ечимни топиш лозим бўлган масалаларда улардан фойдаланиш мумкин. Зеро, ислом оила ҳуқуқида белгиланган никоҳ ёши, кафоат, розилик, нафақа, маҳр институтлари, эр-хотинлик мажбуриятлари каби институтлар моҳиятини англаш ни-

коҳланувчилар ўртасида оила масъулиятини оширишда, оила муқаддас даргоҳ эканини теран англашда катта аҳамиятга эга.

Юртимизда яратилган фикций манбаларда дин, маънавият, ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари, кишиларнинг оила ва жамоат жойларидаги юриштуриш қоидалари, оила ҳаётининг асосий тамойиллари, никоҳ, эрхотин, отаона билан болалар ҳамда қариндошлар ўртасидаги муносабатлар ва кўплаб бошқа соҳаларда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Ислом таълимоти бўйича Аллоҳ инсонларни жуфт қилиб яратган, эркак ва аёл никоҳ орқали бир оилани ташкил қилиб ўзларидан зурриёт қолдиришлари лозим.

Ислом ҳуқуқида оила қуриш никоҳ аҳди орқали расмийлаштирилади. «Никоҳ» сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари «Мажмаъ ул-мақсуд ёки Мухтасар ул-виқоя»нинг ўзбекча шарҳида кенг таърифланган [*Maqsudxo'ja ibn Mansurxo'ja, 1996; 383-б.*].

Ушбу асардаги таърифга биноан, умумий қилиб айтганда никоҳ – эркак ва аёл орасидаги табиий муносабатларнинг ижтимоий зарурий, барқарор шаклидир. Бошқача айтганда, эркак билан аёл ўртасидаги муносабатларнинг никоҳда рўй бериши ҳар қандай маданий жамият тараққиёти учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Жамият никоҳ воситаси билан жинслар ўртасидаги муносабатларни, янги авлодни бунёд қилишни ва тарбиялашни бошқариб боради. Шунга кўра, ислом ҳуқуқида ҳар бир эркак ва аёлнинг никоҳга кириш ва оила қуриш ҳуқуқи эътироф этилган ва кафолатланган.

Бошқа динлардан фарқли ўлароқ, никоҳга ислом динида ибодат даражасида қаралиб, тарки дунё қилиш ва дунёдан тоқ ўтиш макруҳ амал ҳисобланади.

Никоҳнинг шартномавий хусусиятларидан келиб чиққан ислом ҳуқуқининг оила ва никоҳ нормалари никоҳга қирувчилар учун қатор шартларни белгилаган. Шартларга риоя этмаслик никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади.

Умумий қоидадан келиб чиқиб ислом ҳуқуқида оид манбаларда никоҳга киришнинг қуйидаги шартлари таъкидланади:

- никоҳланувчи аёл билан эркакнинг ўзаро эркин изҳор қилинган розиликлари;
- никоҳнинг гувоҳлар иштирокида тузилиши;
- томонлар соғлом бўлиши, яқин қариндошлик муносабатида бўлмалиги;
- ҳар икки томоннинг никоҳ ёшига етган бўлишлари;
- эркакнинг аёлга маҳр бериши.

**Ўзаро эркин изҳор қилинган розилик.** «Никоҳ бир томон – эркакнинг оғзаки таклифи, ик-

Бугунги кунда оилавий муносабатлар масаласининг умумижтимоий жиҳатлари, унинг маданий-маънавий хусусиятларини ҳамда оилавий муносабатларни йўлга қўйишнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий-ташкилий жиҳатдан ўзига хослигини ҳар томонлама ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Масаланинг долзарблиги шундаки, биринчидан, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзбек халқи маънавиятини, жумладан диний саводхонлигини соғломлаштириш жараёнида ислом таълимотининг оилавий муносабатларга оид қоидаларини илмий таҳлил қилиш ижтимоий заруриятдир. Иккинчидан, бугунги кунда ўта аҳамият касб этаётган оилавий ажримларнинг тобора қўпайиб бораётгани сабабларини бартараф этишда шариат кўрсатмаларини ўрганиш орқали ечимни топиш лозим бўлган масалаларда улардан фойдаланиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан ушбу мақолада минтақада азалдан анъана сифатида қаралган ислом таълимотида белгиланган никоҳ шартларининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий асослари, никоҳга монелик қиладиган ҳолатлар ёритилган. Шунингдек, мақолада ислом ҳуқуқида тартибга солинган никоҳ шартлари: никоҳга киришишда ўзаро эркин изҳор қилинган розилик, никоҳда гувоҳларнинг иштироки, тенглик, маҳр масаласи; никоҳга монелик қиладиган ҳолатлар: яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг тақиқланиши, никоҳ ёши масаласига оид қоидалар Республика Оила қонунчилиги нормалари билан қиёсий ўрганилиб, уларнинг диний, маънавий, ҳуқуқий, иқтисодий, тарбиявий, таълимий омиллари таҳлил қилинган.

На сегодняшний день комплексное изучение социальных аспектов, культурных и духовных, а также социально-экономических, правовых, образовательных и организационных особенностей семейных отношений является одним из наиболее актуальных вопросов. Актуальность вопроса заключается в том, что, прежде всего, на современном этапе развития нашего общества социально необходимо провести научный анализ норм исламской доктрины относительно семейных отношений в процессе повышения духовности узбекского народа, в том числе религиозной грамотности. Во-вторых, анализируя и изучая основные принципы норм шариата необходимо правильно использовать эти знания при поиске решения вопросов, причин, сущности растущих семейных разводов, что на сегодняшний день очень актуально.

В связи с этим в данной статье освещаются сущность и особенности, а также социально-экономические, духовные и культурные основы условия и препятствие брака, в исламских учениях, которые рассматривались в регионе в виде традиций. В статье также рассматриваются и сравнительно анализируются религиозные, духовные, правовые, экономические и образовательные факторы условия брака: свободное взаимное согласие на брак, участие свидетелей в браке, равенства, махр; обстоятельства, препятствующие заключению брака: запрет на брак между родственниками, вопросы брачного возраста по исламскому праву с нормами семейного законодательства.

Today, a comprehensive study of social aspects, cultural and spiritual, as well as socio-economic, legal, educational and organizational features of family relations is one of the questions of the hour. The relevance of the issue is that, first of all, at the present stage of development of our society, it is socially necessary to conduct a scientific analysis of the Islamic doctrine regarding family relations in the process of increasing the spirituality of the Uzbek people, including religious literacy. Secondly, when analyzing and studying the basic principles of Sharia norms, it is necessary to correctly use this knowledge in the search for solutions to issues, reasons, and the nature of growing family divorces, which is very relevant today. In this regard, this article highlights the essence and characteristics, as well as the socio-economic, spiritual and cultural foundations of the conditions and obstacles to marriage, in Islamic teachings, which were considered in the region as traditions. The article also examines and comparatively analyzes the religious, spiritual, legal, economic and educational factors of the conditions of marriage: free mutual consent to marriage, participation of witnesses in marriage, equality, mahrr; circumstances that prevent marriage: a ban on marriage between relatives, issues of marriageable age under Islamic law with the norms of family law.

кинчи томон аёлнинг бу таклифни қабул қилиши билан тузилади» [*Maqsudxo'ja ibn Mansurxo'ja*, 1996; 388-б; *Burhoniddin Marg'inoniy*, 2000; 646-б; *Muxtasar*, 1994; 89-б.]. Бу жараён «ийжоб» ва «қабул» дейилади.

«Фатовои Қозихон» асарида муаллиф ийжоб ва қабулни ифода этувчи «никоҳ лафзлари»га тўхталиб, қуйидаги қоидаларни шарҳлайди:

«Никоҳ никоҳ ва турмуш қуриш лафзлари билан тузилади. Хабар ўтган замонда бўлиб, аёлнинг «Сизга шунча маҳр эвазига турмушга чиқдим» деб айтиши ва эркакнинг «Қабул қилдим» дейиши билан, ёки эркакнинг келгуси замонда «Менга шунча маҳрга турмушга чиқасанми?» дейиши ва аёлнинг «Қабул қилдим» деб айтиши, ёхуд буйруқ майлида

эркакнинг «Менга турмушга чиқ,»— деб айтиши ва аёлнинг «Турмушга чиқдим», — деб айтиши билан тузилади» [*Faxruddin Abulmaxofir Hasan ibn Mansur O'zgandiy*, 2010; 196-б; *Burhoniddin Marg'inoniy*, 1971; 206-б.].

Демак, юқоридаги шарҳлардан келиб чикиб никоҳ тушунчасига таъриф берилса, ислом ҳуқуқида асосан никоҳ икки киши, яъни эркак билан аёлнинг ихтиёрий равишда бирбирларига берган розиликлари асосида, икки гувоҳ иштирокида тузилган битим бўлиб, унинг бош мақсади оила тузиш, авлодни давом эттириш, эркак ҳамда аёлнинг табиий эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Шу ўринда тадқиқотчи М.В. Вагаповнинг қуйидаги эътирофини келтириш ўринлидир: «Ислом

ҳуқуқида оиланикоҳ, мерос ва қариндошлик муносабатлари анча ижобий хусусиятга эга бўлган. Ислом ҳуқуқида назарда тутилган никоҳга киришдаги ҳар икки томон – эркак ва аёлнинг розилик билдириш қондаси Ғарб феодал ҳуқуқларидан анча устун турган» [Vagapov M.V., 1980; 46-б.].

Модомики, шариат қондаларида оила қурилиши учун бўлғуси эрхотиннинг розилиги асосий шарт қилиб белгиланган экан, никоҳ шартномасини тузишда бировни бировга мажбуран никоҳ қилиш мумкин эмас. Чунончи, турмуш қурмоқчи бўлганлар ўз иноништиёрлари билан розилик бермоқлари шарт. Фикримизча, ислом ҳуқуқида никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш шarti унинг ихтиёрийлик ва тенглик принципи асосида вужудга келганлигини таъминлаш билан бирга, оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишига ҳам имконият яратади.

Шу нарса диққатга сазоворки, никоҳда аёлнинг розилиги муҳим. Никоҳга кириш учун аёлларнинг розилиги шарт экани ҳақида шундай ҳадис бор: «Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилган ҳадисда: «Пайғамбар (с.а.в.): «Бокира қизни розилигини сўралмай, жувонни эса, ўзи билан масалаҳатлашмай эрга берилмайди», – дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, бокира қизнинг рози бўлгани қандай билинади?», – дейишди. Жаноб Расулulloҳ (с.а.в.): «Сукут қилса, рози бўлганидир», – деб жавоб қилдилар» [Imom Vuxoriy, 1997; 350-б.].

Бурҳониддин Марғинонийнинг берган хулосасига биноан: «Сукутда розилик кучлироқ бўлади. Чунки қиз бола хоҳишини очик айтишдан уялади, рад жавобини беришдан эса уялмайди. Сукутдан кўра кулги розиликка кўпроқ далолат қилади. Йиғи эса, аксинча. Чунки йиғи ёқтирмасликка, хоҳламасликка далолат қилади...» [Burhoniddin Marg'loniy, 2000; 669-б.].

Лекин шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Сукут – розилик аломати» тамойили никоҳ жараёнида жуда ҳам аҳамиятли ҳисобланиб, у барча ҳолларда ҳам розиликни билдирмайди. Фаҳруддин Қозихон сукут масаласига тўхталар экан, у оилавий муносабатларда баъзи масалалардагина «розулик» дея эътироф этилишини айтиб ўтади.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилинса, никоҳга киришиш борасида бирбирини хоҳлаши ва мос келиши ҳар икки жинсга тааллуқлидир. Шундай экан, ҳеч ким ёқтирмаган одамига турмушга берилмайди, уйлантирилмайди. Оила бошлиғи оила аъзоларига нисбатан мажбурий тазйиқ ўтказа олмайди. Пайғамбар (с.а.в.)нинг саҳобалар билан бирга аёлларга ваъз қилиб уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш одатлари бор эди. Шундай кунларнинг бирида бир қиз: «Эй Аллоҳнинг элчиси, мени отам ўзим хоҳламаган кишига турмушга бермоқчи, энди нима бўлади?», – деб сўради. «Бу

иш ўзининг ихтиёрингда, лекин отангни айтганини қилсанг яхши бўлади», – деди Пайғамбар (с.а.в.). Шунда қиз: «Аслида мен ҳам рози эдим, лекин мана бу дугоналарим ҳам ўз ҳуқуқларини билсинлар деб шу саволни берган эдим», деди [Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf, 15-б.]. Демак, розиликсиз, айниқса, аёлнинг розилигисиз тузилган никоҳ шартномаси кучга эга эмас.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ислом оила ҳуқуқи никоҳ тузишда аёлларга валий тайинлаш баробарида оила катталари аёлларнинг ўз эркин танловлари асосида турмуш қуришларига тўсқинликлари тақиқланади. Оталар, валийлар бирон мақсадда ёки куёвни ёқтирмай тўйни тўхтатмасликлари керак [Mansur A, 2006; 37-б.].

Ушбу хулосадан аён бўладики, барча фақиҳларнинг келишуви асосида, ҳеч ким оқила, болиға, эркин аёлни ўзи истамаган ҳолда турмуш қуришга мажбурлашга ҳақли эмас. Фақат Имом Шофеъий бокира қизни оқила ва балоғатга етган бўлганига қарамасдан биров билан турмуш қуришга мажбурлаш ваколатини унинг валийси (отаси, бобоси)га берган бўлса ҳам, бошқа фақиҳлар унинг бу фикрини қўллабқувватламаганлиги кузатилди.

Фақиҳлар турмуш қуришга мажбур қилмаслик бўйича Абу Ҳанифа фикрига қўшилган бўлсалар ҳам, бир ҳолатда унга ихтилоф қилганлар, яъни Абу Ҳанифа фикрича, қизнинг валийси никоҳ маросимида иштирок этмаса ҳам, қизнинг сўзи билан никоҳ шартномаси тузилиб, қонуний кучга эга бўлади. Аммо, уламолар никоҳ битимининг ҳар томонлама тўғри бўлиши учун валийнинг ҳам никоҳ маросимида иштирок этиши керак дейишган.

Абу Ҳанифа таъкидлашича, аёл молмулк соҳасида тўла ваколатга эга бўлганидек, ўзига умр йўлдош танлаш борасида ҳам тўла ваколатга эга. Чунки валийлик оқил, болиғ бўлган инсонга фақат (яхши, фойдали) маслаҳат бериш юзасидангина тайинланади. Валий эса фақат қизга уятсизлик нисбати берилмаслиги учун никоҳ маросимида бош бўлиши талаб этилади. Аммо Абу Ҳанифа фикрича, баъзан аёл турмуш ўртоғи танлашда адашиши мумкин. Фақиҳлар шу нуқтаи назардан қизнинг ўзи валийсининг иштирокисиз турмушга чиқишини тақиқлаганлар. Абу Ҳанифа аёлнинг ўз тақдирини ўзи белгилаб оила қуриши учун эркинликка эга эканини таъкидласа ҳам, танланган турмуш ўртоқ қизнинг оиласига тенг бўлишини шарт қилиб қўяди. Бунга биноан агар қиз валийсининг розилигини олмасдан, унинг оиласига тенг бўлмаган ва оила аъзоларига иснод келтирадиган, масалан, тарбияли бир қиз фосиқ бир йигитга турмушга чиқиш билан оила шаънини булғайдиган бўлса, ҳанафий мазҳаби бўйича, валий ушбу никоҳ битимини бекор қилади.

Ушбу қарашлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, балоғатга етган қиз бевосита шарият меъёрларига кўра ҳур инсондир. Шундай экан, уни бирор нарсага мажбурлаш мумкин эмас.

**Никоҳда гувоҳлар иштироки.** Ислом ҳуқуқи-га кўра, никоҳ тузилиши учун икки эркак ёки бир эркак ҳамда икки аёлнинг гувоҳ сифатида иштироки асосий шартлардан биридир. Ушбу шартларга риоя қилинмаганда никоҳ ноқонуний (*ботил*) бўлади. Чунки Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадисларида: «Гувоҳларсиз никоҳ никоҳ эмас» [*Al-Imom Ahmad ibn Hanbal, 1999; 394-б.*], деган қоида мустаҳкамланган.

Никоҳ акди тузилаётганда гувоҳларнинг иштироки шарт қилиниши билан бирга уларнинг маълум талабларга жавоб бериши кераклиги таъкидланади. Гувоҳларга тўрт мазҳаб бўйича иттифоқ қилинган талабларга қуйидагилар келтирилади:

- Гувоҳ оқил бўлиши лозим.
- Болиғ (балоғатга етган) бўлиши керак.
- Озодлик, ҳурлик.
- Адолатли, гўзал ахлоқ соҳиби бўлиши, фосиқ бўлмаслиги. Ҳанафийликда ҳатто иккита фосиқнинг гувоҳлигида ҳам никоҳ боғланаверади. Бу эса Имом Шофеъий мазҳабида хилофдир. Унинг фикрича, гувоҳлик ҳурмат маъносини ифодалайди, фосиқ эса, хорланишга лойиқдир. Ҳанафий мазҳабида фосиқ киши валий бўлишга лойиқ деб кўрилганидек, гувоҳликка ҳам ўтади [*Burhoniddin Marg'inoniy, 2000; 648-б.*].

• *Мусулмон бўлиш. Никоҳланувчилар мусулмон бўлиб, уларга гувоҳлик қилаётганлар ҳам мусулмон бўлиши жуда муҳим. Абу Ҳанифа никоҳланаётган аёл аҳли китобдан бўлса, гувоҳларнинг ҳам аҳли китобдан бўлишлари жоиз деб ҳисоблаган. Мусулмонлар никоҳига фақат мусулмон гувоҳлиги қабул бўлади. Имом Шофеъий Абу Ҳанифадан фарқли равишда ҳар қандай ҳолатда ҳам гувоҳ мусулмонлардан бўлишини шарт қилган* [*Karaman H, 1974; 294-б.*].

• *Эшитиш қобилиятига эга бўлиш. Гувоҳ никоҳланаётганларнинг никоҳ ақдини ихтиёрий розилиг асосида тузаётганлигини ўз оғизлари билан айтганларини эшитиши лозим.*

Хуллас, никоҳ акдида гувоҳларнинг иштирок этишларидан кўзланган мақсад, мазкур никоҳни одамлар орасида эълон қилишдир. Никоҳ тантанаси расмий эълон қилиниши ва одамларга маълум қилиниши керак. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.): «Никоҳни эълон қилин-глار, унда ғирбол чалинглар». Имом Насоий қилган ривоятда эса: «Ҳалол билан ҳаромни ажратувчи нарсалардан бири никоҳда овоз чиқариш ва дуффи чалишдир» [*Muhammad Sodiқ Muhammad Yusuf, 20-б.*], деганлар.

**Кафоат.** Исломда никоҳнинг қўшимча шарти «кафоат» [*Burhoniddin Marg'inoniy, 2000; 680-б.*] дир. Кафоат – луғатда «тенг бўлиш» маъносида келади. Истилоҳда эса никоҳланаётган томонларнинг, тўғрироғи эрнинг аёлга тенг ёки мос бўлишига айтилади.

Никоҳда тенглик қуйидаги олти нарсада намоён бўлади: наслнасаб, дин, озодлик, бойлик, ҳунар ва диндорлик [*Maqsudxo'ja ibn Mansurxo'ja, 1996; 406-409-б; Burhoniddin Marg'inoniy, 2000; 681-683-б; Muxtasar, 1994; 95-б.*]. Бу шартлар албатта нисбийдир. Шунингдек, у асосан эрда бўлиши лозим бўлган шартлардир. Чунки кўрсатилган шартлар ижтимоий табақаланиш ёки бошқа мезонлар асосида келиб чиқадиган шартлар бўлиб, жамиятнинг ўзи ушбу мезонларни белгилаб беради. Яна шуни эътироф этиш керакки, жамиятда бундай насаб, бойлик каби мезонлар ҳали ҳам учраб туради. Фақиҳларнинг фуруъ ал-фиқҳга оид асарларида никоҳга киришувчиларнинг обрўйи, насаби, этник келиб чиқиш, диний эътиқоди, ҳур ёки ҳур эмаслиги, ҳақгўйлиги, моддий аҳволи, касб-кори, ёши жиҳатдан тенглиги масаласига ҳам эътибор қаратилган. «Ҳидоя»да Пайғамбар (а.с.)нинг «Огоҳ бўлинглари, аёлларни фақат валийларигина эрга берсинлар ва фақат ўзларига тенг бўлган кишиларгагина берилсинлар» деган ҳадисга асосланиб «Никоҳда тенглик эътиборга олинади», – дейилган.

«Ҳидоя» ва «Фатовои Қозихон»да тенглик масаласида диёнат, парҳезлик ва тўғрилиқ муҳим аҳамиятга эга. Манбаларда келишича, Имом Муҳаммад Шайбонийнинг фикрига кўра, диёнат эътиборга олинган. Моддий жиҳатдан тенглик масаласида «Фатовои Қозихон» ва «Ҳидоя»да Қудурийнинг қуйидаги сўзлари келтирилади: «Молдаги (тенглик) (эътиборга) олинади. Молдаги тенглик эркакнинг маҳрга ва нафақага эга бўлишлигининг белгисидир». Сабаби – эркак маҳр ва нафақага (нафақа – эрнинг хотинни турар жой, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаши) эга бўлмаса аёлга тенг ҳисобланмайди [*Burhoniddin Marg'inoniy, 2000; 681-683-б; Faxruddin Abulmaxofir Hasan ibn Mansur O'zgandiy, 2010; 212-б.*]. Бу масалада Абу Юсуфнинг фикрича, тенгликни аниқлашда маҳрсиз нафақанинг ўзигагина эътибор берилиши лозим. Чунки маҳрсиз никоҳга рози бўлиш, маҳр бериши маълум бир муддатга чўзиш мумкин. Лекин эр-хотинлик юзага келганидан кейин эркак аёлини нафақа билан таъминлаши мажбуриятга айланади.

Ислом ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидан бири эрнинг аёлга маҳр беришидир. Маҳрнинг муқаррарлиги ҳар икки томон ҳам никоҳни бекор қилишдан ўзини тийишига кафолат бўлиб хизмат қилган.

**Маҳр** – бу аёл эрнинг таклифини қабул қилгани эвазига унга бериладиган моддий бойликдан иборат. Маҳр бериш қондаси ҳозирда никоҳ ҳадяси сифатида сақланган. Ислом оила ҳуқуқидаги маҳр билан одат ҳуқуқидаги «калин», «сут пули» каби анъаналар ўртасида катта фарқ бор. Чунки маҳр аёлнинг ўзига берилиб, унинг шахсий мулкига айланса, урфодатдаги ҳалигача жамиятда амал қилиниб, аёл-қизлар кадр-қиммати қўпол равишда поймол этилиб келинаётган «калин» ёки «сут пули» каби мол (маблағ) қизнинг отаонасига берилади.

Бундай жоҳилиятдан «мерос» анъана ва одатларнинг ҳатто бугунги кунимизгача сақланиб келинаётгани ислом оила ҳуқуқидаги маҳр институти ҳақида нотўғри хилмаҳил танқидий қарашларнинг шаклланишига замин яратган. Масалан, исломда оила ва никоҳ муносабатларини танқидий таҳлил қилган олим М.Машанов шундай хулосага келади: «Шубҳасиз, бундай никоҳ ўз ичига барча савдотик нишонларини олади: бир томондан савдо буюми сифатида хотин кўрсатилса, иккинчи томондан харидор сифатида куёв кўрсатилиб, у келин учун белгиланган нархни (маҳрни) беради» [Mashanov M, 1876; 67-б.].

Шунингдек, Л.И.Шайдулинанинг ислом ҳуқуқидаги никоҳ шартномасига «бу – олдисотди шартномаси, чунки эркак киши ўзига хотин сотиб олади» [Shaydulina L.I, 1978; 116-б.], деган юзаки хулосаларига ҳам қўшилиш мумкин эмас.

Айрим Д.С.Милль каби олимлар маҳрни хотиннинг мулки сифатида эътироф этади: «Маҳр нафақат аёлнинг тирикчилигини таъминлайди, балки эрхотинлик ришталарини ҳам мустаҳкамлайди, чунки хотини билан ажралишни истаган эркак унинг маҳрини тўлиқ тўлаб бериши керак» [Mashanov M, 1876; 68-б.].

Чуқурроқ таҳлил қилинса, маҳр никоҳ шартномасини олдисотди шартномасига айлантормаиди ва бу билан аёлни таҳқирламаиди ҳам. Чунки маҳр бериладиган никоҳ шартномасини олдисотди шартномасига ўхшатадиган бўлсак, шартноманинг объекти аёл бўлиши лозим бўлади. Лекин олдисотди шартномасида маблағ шартноманинг объектига берилмаиди. Демак, никоҳ шартномасида аёл объект эмас ва маҳр ҳам объектга нисбатан эгалик ҳуқуқини келтириб чиқариш учун берилмаиди. Модомики, ислом ҳуқуқидаги никоҳ шартномасини олдисотди шартномасига ўхшатиш нотўғри экан, унинг бошқа бир моҳияти борлигини эътироф этишга мажбурмиз. Демак, маҳр аёлнинг никоҳга розилик билдиргани учун унга миннатдорчилик маъносиди бериладиган совғадир.

Маҳр никоҳнинг асосий шarti бўлмай, никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятдир. Шунинг учун ҳанафий мазҳабида никоҳ вақтида

маҳр белгиланмаса ҳам никоҳ қонуний ҳисобланиб, ўзўзидан «маҳри мисл» [Burhoniddin Marg'iniy, 2000; 759-б.], яъни ўша юртда аёлқизларга бериладиган ўртача миқдорда маҳр бериш лозим. «Аммо бошқа мазҳабларда, масалан, шофеъий мазҳабида никоҳ вақтида маҳр белгиланмаса, никоҳ саҳиҳ бўлмайди, дейилган» [Muhiddin S, 1999; 15-б.].

Демак, маҳр аёлнинг никоҳга розилик билдирганлиги учун унга бериладиган, эрнинг никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган муқаррар мажбурияти, ҳар икки томонни ҳам никоҳни бекор қилишдан ўзни тийиш кафолати, маҳр аёлнинг хусусий мулкига айланади, никоҳдан ажралган ҳолда ҳам унинг мулкка эгалиги сақланиб, аёлнинг моддий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Назаримизда, ислом оила ҳуқуқидаги маҳр масаласи ўзига хос ижобий характерга эгадир. Никоҳ акдида маҳрнинг белгиланиши, томонларга, оиланинг бошқа аъзоларига маҳрнинг мазмун-моҳиятини лозим даражада тўғри тушунтирилиши билан жамиятда оилага, хусусан, аёлга нисбатан масъулият ошиб, ҳудабехудага ажралишлар сонининг камайишига ёрдам беради. Чунки амалдаги қонунларимизда оилавий муносабатларда эркак ва аёл тенг ҳуқуқлилиги таъминланганлигига қарамай, баъзан одат ҳуқуқларининг устунлиги натижасида аёллар қундалик оилавий ҳаётда дискриминацияга учраётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Никоҳдан ажралганда ҳам маънавий ва моддий тарафдан энг кўп жабр кўрувчи тараф, фарзандлар парвариши, тарбияси, таълими, моддий таъминотига жавобгар бўлган асосий шахс аёллардир.

**Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг тақиқланиши.** Исломда никоҳга киришувчиларга нисбатан юқорида белгиланган қатор шартларга қатъий амал қилиш баробарида никоҳнинг қонунийлигини ва оиланинг бардавомлигини таъминлайдиган яна ўта муҳим шартлар мавжуд бўлиб, уларга амал қилиниши мажбурийдир. Биз ушбу шартларнинг энг муҳимларини таҳлил қилиб ўта-миз.

Биринчидан, оилавий муносабатларнинг субъектлари борасида аёлларнинг **яқин қариндош** бўлмаслиги. Яъни ислом оила ҳуқуқида «**мавониъ**» деб аталувчи масала чуқурроқ таҳлил этилиши лозим. Унда никоҳланиш мумкин бўлмаган ҳолат насаб, қудачилик ва эмикдошлик фактлари асосида вужудга келади. Насаб жиҳатидан никоҳга олинувчи аёлнинг яқин қариндош бўлмаслиги, эмишганлик жиҳатини олиб қараганда собиқ шўроларнинг насабларни аралаштириб юбориш ҳаракатлари каби ҳодисаларга чек қўйиш ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, никоҳланувчиларнинг **никоҳ ёши** масаласи ҳам оилавий муносабатларнинг асо-

сий эътибор қаратиладиган тамойили ҳисобланади.

### 1. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ.

Ислом ҳуқуқининг оила ва никоҳ қонунчилигида никоҳга монелик қиладиган ҳолатларнинг энг асосийси сифатида қайси тоифадаги аёлларга уйланиш ман қилингани ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган бўлиб, унга кўра, уйланиш мумкин бўлмаган аёллар («ал-муҳаррамот мин ан-нисо») икки қисмга бўлинади [Burhoniddin Marg'inoniy, 2000; 650-660-б.]: 1. Умуман уйланиш тақиқланган аёллар; 2. Муайян сабабга кўра уйланиш тақиқланган, унга монелик қилувчи сабаб кетсагина уйланиш мумкин бўлган аёллар.

Биринчи қисм ҳам, ўз навбатида уч тоифага бўлинади:

1. Насаб – туғишганлик сабабли уйланиш мумкин бўлмаган аёллар.
2. Қудачилик сабабидан никоҳи тақиқланган аёллар.
3. Эмиқдошлик сабабли никоҳланиш мумкин бўлмаган аёллар.

Иккинчи қисм – муайян сабабга кўра уйланиш тақиқланган аёллар таснифига қуйидагилар киритилган:

1. Бир киши бир вақтнинг ўзида опа-сингилни, жиян билан амма, холаларни никоҳига олиши мумкин эмас. Бу борада Куръони каримнинг «Нисо» сураси 23-оятда «Икки опа-сингилни қўшиб (никоҳлаб) олишингиз (ҳам ҳаром қилинди)», ҳадисда «Бир аёлнинг устига аммаси ёки ҳоласи ёхуд ака-укаларининг қизлари, опа-сингилларининг қизлари никоҳ қилинмайди» дейилади [Imom Buxoriy, 1997; 398-399-б.].

2. Талоқ ёки эри вафот этиши сабабли идда муддатида ўтирган аёлга токи унинг иддаси тугамагунича никоҳланилмайди.

3. Аҳли китоб бўлмаган аёлларга ҳам уйланиш мумкин эмас. Агар улар ислом динини қабул қилсалар, уйланиш жоиз бўлади [Mansur A, 2006; 35-б.].

4. Бировнинг никоҳида бўлган аёлларга уйланиш мумкин эмас.

Шариатда ён чизик бўйича қариндош бўлган, амакивачча, тоғавачча, холаваччалар ва бошқа узоқ қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш мумкин. Лекин таъкидлаш жоизки, инсон ҳаётининг никоҳдан кейинги даврининг муваффақиятли кечиши ёки аксинча бўлиши кўп нарсаларга боғлиқ. Оилани пок сақлаш учун уни саодатли, мустаҳкам ва ҳар томонлама соғлом бўлишини истаган, турмуш куриш бўсағасидаги ҳар бир ёш ўзи учун бир умрлик жуфт танлашда эътиборли бўлмоғи кераклиги исломда алоҳида таъкидланади.

Тарих силсиласида Куръон оятлари ва ҳадисларда белгилаб берилган, шунингдек, фақиҳларимиз асарларида баён қилинган оилавий муноса-

батларга оид адолат, бурч, мажбурият каби тушунчалар, эр-хотин, ота-она ва болалар ҳамда қариндошлар ўртасидаги муносабатлар, умуминсоний ахлоқ қадриятларидан келиб чиққан асосий талабларни ўрганганда шундай хулосага келиндики, улар асарларида ишлаб чиқилган тамойиллар оилани асрашга, уни мустаҳкамлашга, насл софлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Масалан, Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий «Тухфат ал-фуқаҳо»да қариндошлик сабабли никоҳланиш мумкин бўлмаган ҳолатларни очиб беришда томонларнинг никоҳига моне бўлувчи қариндошлик турини еттига фирқага ажратиб асослайди. Фақиҳнинг айнан шу масалани батафсил баён қилишидан олим яшаган давридаги урф-одатларга кўра яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳланиш олдини олишга ҳаракат қилганини кўриш мумкин.

Шу нарса эътиборлики, ислом таълимотида агар юқорида таҳлил этилган ҳолатларни инобатга олинмай никоҳ тузиладиган бўлса, бундай никоҳ ноқонуний ҳисобланади ва белгиланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган юқоридаги ҳолатлар аниқ баён қилиб берилган [O'zbekiston Respublikasining Oila kodeksi, 2007; 9-б.]. Унга кўра, никоҳга кириш учун белгиланган шартларга риоя қилинмасдан тузилган никоҳ қонунда белгиланган тартибда ва асосда тугатилиши ёки ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Таҳлилларимизга асосланиб айтиш мумкинки, ислом ҳуқуқи нормаларида яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг тақиқланиши, ахлоқий ҳамда биологик нуқтаи назардан, замонавий тиббиёт фани хулосалари билан ҳамоҳангдир. Биологик тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, никоҳ қанчалик бегона шахслар билан тузилса, авлод ҳам шунчалик соғлом бўлади. Шу нуқтаи назардан, оила қонунчилиги билан яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг тақиқланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**2. Никоҳ ёши.** Ислом ҳуқуқи қоидаларида ҳам никоҳ муносабатлари субъектларида топилиши лозим бўлган зарур шарт – никоҳланувчиларнинг белгиланган никоҳ ёшига етишидир.

Маълумки, оилавий муносабатларга киришувчи ҳуқуқ субъектларини характерлайдиган асосий ҳуқуқий хусусиятлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатларидан иборатдир. Тадқиқотчиларнинг таҳлил қилишича: ислом ҳуқуқида лаёқат тушунчаси «аҳлият» деб аталиб, фақиҳлар лаёқат тушунчасини асосан усул-фикҳ илмининг предмети сифатида ўрганишган ва фуруъ ал-фикҳ илмида ўрганилмаган, балки ҳуқуқ соҳаларига тегишли нормаларда қайд этиб кетилган. Шу билан бирга муомала лаёқати-

нинг чекланиши ва чекловнинг бекор қилиниши масалалари фикхий асарларда «ҳажр» ва «маъзун» (ёки «изн») номи остида ўрганилган [Sarsenbaev A.B., 2011; 22-б.].

Ислом ҳуқуқида лаёқат амалдаги фуқаролик ҳуқуқидаги сингари иккига бўлинади: 1. Ҳуқуқ лаёқати (аҳлияти вужуб) бу – шахснинг муайян ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқатидир. Унга кўра, шахс туғилганидан то ўлимига қадар ундан ажралмайди, унга тегишли бўлади. 2. Муомала лаёқати (аҳлияти адо) бу – кишининг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини билиши, амалга ошириши, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириши ва бажаришидир.

Ислом оила ҳуқуқида томонларнинг муомала лаёқатига эга бўлиши асосий шарт қилинади. Бунда инсоннинг ақлан соғломлиги эътиборга олинб, унинг аломати сифатида инсоннинг жисмоний белгиларга кўра фарзандли бўла олиш қобилияти билан белгиланади. Агар ушбу табиий белги кўринмаса ёш орқали муомала лаёқати аниқланади. Маълум бўлишича, бундай лаёқатга эга бўлиш ёшини белгилашда фақиҳлар энг кам ёш ва энг юқори ёшни белгилашган. Энг кам ёш ўғил болаларда 12, қизларда 9 ёш ҳамда энг юқори ёш эса ҳанафий мазҳабига кўра 15 ёш деб белгиланган. Аммо ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифанинг ўзи энг юқори ёшни ўғил болаларда 18 ёш, қиз болаларда 17 ёш деб айтган [Abdulg'aniy G'animiyy al-Maydoniy Hanafiy, 2005; 21-б.]. Шу ўринда ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифанинг мазкур қарашлари бугунги кундаги никоҳ ёши тамойилларига мутаносиб эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, ислом фикҳида ҳам балоғатга етмаганларнинг эрта никоҳга киришишининг олдини олиш, уларнинг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамда оилани қуриш учун маълум ҳаётий тажриба, жисмоний ва маънавий етуқлик талаб қилинишини эътиборга олган ҳолда, ҳанафийликда никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қизларни ёш никоҳлаш масаласи фикҳ китобларида учраса ҳам бу нодир ҳолатлар бўлган. Тадқиқотимиз жараёнида аниқландики, бундай никоҳдан мақсад – асосан унаштириш ёки никоҳлаб қизни эри ёнида қолдирилган. Балоғатга етгандан сўнггина никоҳ асосида эр-хотин ўртасида яқинлик бўлган. Никоҳ муносабатига киришиш ёши борасида халқ ичида тарқалган балоғат ёши қиз болаларда 9 ва ўғил болаларда 12 ёш деган тушунча мавжуд. Лекин таҳлилдан маълум бўладики, бу балоғат ёшининг энг кам миқдоридир. Аслида умумий фатво бўйича балоғат ёши 15 ёш. Юқорида айтилганидек, ҳанафий

мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа фикрига кўра эса балоғат ёши қиз болаларда 17, ўғил болаларда 18 ёш экан.

Шариатда юқоридаги ҳолатда балоғатга етмаганлар ўртасида никоҳ тузилиши (унашув) назарда тутиладиган бўлса, никоҳни фақат уларнинг оталари ёки валийлари қайд қилишларига рухсат берилган. Бундай ҳолларда никоҳга киришувчиларнинг розилиги талаб қилинмайди ҳамда улар балоғат ёшига етмагунларича жинсий алоқа қилишлари мумкин эмаслиги қатъий белгиланади. Валийлари томонидан унаштирувлари амалган оширилган никоҳлантирилганлардан (йигит ва қиз) бири ёки ҳар иккаласи балоғатга етгандан сўнг никоҳни бекор қилишни талаб қилса, ушбу талаб қондирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, конунда белгиланган никоҳ ёши шариат нормалари билан таҳлил қилинса, зарур ҳулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш борасидаги малака ва кўникмалар ҳосил қилиш мумкин.

Шу ўринда, ислом ҳуқуқида оила муқаддас ошён деб билиниб, никоҳ муносабатига киришиш ибодат сифатида улуғланади. Ислом ҳуқуқи муқаддас саналмиш оилага бирикишда инсонлар албатта жиддий тайёрланишлари лозимлигини таъкидлаши баробарида, бўлғуси никоҳланувчиларнинг маънавий ва моддий ҳолатига қараб оила қуриш мажбурияти 5 та категорияга бўлади: фарз, вожиб, суннат, ҳаром, макруҳ.

**1. Фарз.** Агар инсон оила қурмаса зинога йўлиқишига аниқ ишонса, оила қуриб, уни бошқара олса, моддий сарф-харажатларини кўтара олса, оила аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини адо этишга қодир бўлса ва зинодан сақланишнинг бошқа йўлини топа олмаса, унинг учун никоҳланиш фарз, яъни шарт бўлади.

**2. Вожиб.** Агар инсон зинога йўлиқиши мумкинлигидан қўрқса, оилани бошқаришга, унинг харажатларига қодир бўлса, жуфтига зулм қилишдан, унинг ҳаққини поймол қилишдан қўрқмаса, у учун никоҳланиш вожиб, зарур бўлади.

**3. Суннат.** Агар инсон мўътадил ҳолатда бўлса, зинодан ва шеригига зулм қилишидан қўрқмаса, унинг учун никоҳланиш суннат бўлади. Бундай инсоннинг никоҳланмасдан юриши маъқул қўрилмайди.

**4. Ҳаром.** Агар инсон жуфтига зулм қилишига, унга зарар етказишига, оиланинг бошқаруви, сарф-у харажати кўтара олмаслигига ва адолат қила олмаслигига очиқ-ойдин кўзи етиб турган бўлса, унинг учун никоҳланиш ҳаром, яъни бундай шахс оила қурадиган бўлса, имконсизлиги сабабли нафақат ўзига, балки бошқа шахсларга ҳам оғирлик келтириб чиқариши нуқтаи назаридан никоҳланиши мумкин эмас.

Агар бир кишида никоҳнинг фарз ва ҳаром бўлиши қарама-қарши бўлиб қолса, ҳаром устун келади. Чунки шариат қоидаси бўйича, ҳалол билан ҳаром жамланиб қолса, ҳаром ғолиб келади.

**5. Макрух.** Агар инсон уйланганда нафақа беришдан ожиз бўлиши, муомалани ёмон қилиши ва шеригига рағбати бўлмаслиги каби омилларга кўра ўзидан жабр ва зарар содир бўлиши мумкинлигидан қўрқса, унинг учун никоҳланиш макрух, яъни никоҳланиши маъқул кўрилмайдиган [Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf, 2005; 25-26-б.].

Демак, агар инсоннинг оила қуришга маънавий ва иқтисодий жиҳатдан имконияти бўлмаса, Қуръони карим оятига биноан сабр қилиш керак.

Агар инсон уйланганда нафақа беришга қодир бўлмаса, оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлай олмаса, унинг учун никоҳланиш мумкин эмас. Аммо аёл бой бўлиб, турар-жойга муҳтож бўлмаса никоҳланиш балки жоиз бўлиши мумкин.

Шу ўринда айтиш лозимки, ислом динида эркак ва аёлнинг никоҳсиз табиий эҳтиёжларини қондиришлари қатъиян таъқиқланган бўлиб, зинакорлар қаттиқ жазоланадилар. Бу ҳақида Қуръони каримнинг «Фотир» сураси 11-оятда: «Аллоҳ сизларни (Одамни) тупроқдан, сўнгра (унинг наслини) нутфадан яратиб, кейин сизларни жуфт-жуфт (эркак-аёл) қилиб қўйди», «Рум» сурасининг 21-оятда: «Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир», «Наҳл» сурасининг 72-оятда: «Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди ва сизларни пок нарсалардан ризқлантиради», «Нисо» сурасининг 1-оятда: «Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Хавво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Раббингиздан қўрқингиз» дейилган.

Юқоридаги ояти карималардан англаймизки, инсон оиладан ташқарида ривожлана олмайди. Одамлар албатта оилага бирикибгина такомилга эришадилар. Лекин шунинг баробарида юқоридаги таҳлиллардан аён бўладики, ҳар бир шахс оила аталмиш муқаддас даргоҳ, қатта ҳаётга, оила масъулиятига ҳар томонлама ҳам маънавий, ҳам моддий, ҳам ёш жиҳатидан тайёр ва муносиб бўлмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, никоҳ ёши масаласи бўйича миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш учун жуда кўп фикр-мулоҳазалар ва таклифлар бўлди. Асосан никоҳ ёшини эркаклар учун 20 ёш, аёллар учун қатъий равишда 18 ёш этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлар берилди. Бу таклифларнинг

юзага келишига: никоҳланувчиларнинг кўпчилиги физиологик ва жисмоний жиҳатдан тўлиқ ривожланиб етилмаганликлари; ўғил-қизларнинг айна 17-18 ёшлик даври таълим вақтига тўғри келиши; шунингдек, 17-18 ёшдагилар оила қуриш учун ҳам моддий, ҳам маънавий тайёр эмасликлари; маълум касб-хунар эгаллашлари зарурлиги асос қилинди.

Шу ўринда никоҳ ёши масаласида ислом оила ҳуқуқи манбалари асосидаги таҳлилларимиздан келиб чиқиб, бугун оила қонунчилигида никоҳ ёшини қизлар учун 18 ёш, йигитлар учун 18 ёш этиб белгиланиши айна мақсадга мувофиқ бўлди. Таҳлиллардан англашилдики, ислом оила ҳуқуқида ҳам ҳар икки томоннинг муомала лаёқати ва никоҳ ёшига етган бўлишлари шарт қилинар экан, лаёқатга эга бўлиш ёшини белгилашда фақиҳлар энг кам ёш ва энг юқори ёшни белгилашган. Энг кам ёш ҳанафийлик мазҳаби вакиллариининг хулосаларига биноан 15 ёш деб белгиланган. Абу Ҳанифанинг ўзлари эса энг юқори ёшни ўғил болаларда 18 ёш, қиз болаларда 17 ёш этиб белгилайди. Шу ўринда Абу Ҳанифанинг мазкур қарашлари замонавий қонунчиликдаги тамойилларга мутаносиб эканлигини таъкидлаб ўтиш баробарида, замонавий мутахассисларнинг мўътадил оналик даври 19 ёшдан бошланиши, биринчи фарзанд онанинг 19-26 ёшга тўлганида туғилса, мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги таҳлиллари ҳамда томонларнинг таълим, касб-хунар эгаллаш билан боғлиқ жараёнларда машғул бўлишлари асосланган фикрлардан келиб чиқиб, бугун оила қонунчилигида никоҳ ёшини қизлар учун 18 ёш, йигитлар учун 18 ёш этиб белгиланиши зарурат принципига асосланади деб ҳисоблаймиз.

Умумий хулосаларга кўра, никоҳга монелик қиладиган ҳолатлар нуктаи-назаридан шариатга кўра қуйидаги ҳолатларда никоҳ тузишга йўл қўйилмайди:

1. Никоҳга қирувчиларнинг лоақал биттаси бошқа никоҳда бўлса.

Шу ўринда, ислом ҳуқуқига хос бўлган, давомли тортишувлар мавзуси сифатида қаралувчи масала бу – полигамия масаласи. Биз ўз тадқиқотимизда ислом оила ҳуқуқидаги назарий муаммоларни таҳлил қилар эканмиз, полигамия масаласини ҳам тарихий, ҳам бугунги кундаги мусулмон мамлакатлари оила қонунчилигидаги ҳолат нуктаи назардан ўргандик. Бу масала кўп танқидга учраган мавзу бўлса ҳам, фикримизча, бу қараш давр нуктаи назаридан келиб чиққанлигини инобатга олиш лозим. Полигамия ислом олиб келган норма эмас, бу муносабат ислом таълимоти туфайли юмшатишга бўлса ҳам, Шарққа хос менталитет таъсирида ҳамда кўплаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳар-

бий омиллар туфайли ўша давр учун полигамия рухсат этилди ва аввалдан минтақада мавжуд кўп-хотинлик қайсидир маънода чегараланди. Асосий жиҳати полигамия бу рухсат (мубоҳ), бажарилиши мажбурий бўлган (фарз) кўрсатма эмас. Шунингдек, унинг оғир шарти сифатида Қуръони каримда адолат шарт қилинган, адолатни инсон зоти бажара олмаслиги шариат манбаларининг ўзида қатъий таъкидланган.

Ушбу масалада аксарият ҳолларда Қуръони каримда эркакларга тўрттагача уйланишга рухсат берилган, деган қараш масаланинг асл моҳиятини тушунтиришда муаммонинг борлиги сабаб бўлиши мумкин. Назаримизда, бу масалани шарҳлашда инсонларнинг илмий асосланган хулосага эга бўлишлари учун уламоларнинг таҳлилий назарияларига таянмоқ керак бўлади.

«Нисо» сурасининг учинчи оятида тўрт нафаргача уйланишга рухсат берила туриб, дарҳол орқасидан «агар улар ўртасида адолат ва тенгликни барқарор қила олмасликдан кўрксангиз, фақат битта хотин билан кифояланинг», дейилади. Яна шу суранинг 129-оятида: «Хар канча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар», деб Аллоҳ таолонинг ўзи гувоҳлик беради.

Демак, шариатда кўпхотинликка ҳеч қандай шарт-шароитсиз, тўғридан-тўғри рухсат берилган эмас. Кўпхотинлик шартларини бажариш ғоят оғир масала.

Тадқиқотчи М. Машанов бу борада қуйидагича фикр билдиради: «Шунга иқрор бўлиш керакки, кўпхотинликни киритган Муҳаммад эмас. Кўпхотинлик бахтга қарши деярли бутун Осиёнинг ода-тига айланган эди. Шунинг учун Муҳаммадни кўпхотинликни киритиб, бу дунёга ушбу иллат ва балони олиб келди, деб айблаш ярамайди» [Mashanov M., 1876; 143-б.]. Демак, аён бўладики, Қуръони каримнинг ушбу масалага оид ояти исломгача бўлган даврда кенг тарқалган кўпхотинликни тартибга солиш учун нозил қилинган.

Бугунги кунда ўзининг расман қайд этилган никоҳи бор бўла туриб, нафс нуқтаи назаридан биринчи, иккинчи, учинчи хотинга уйланиш ҳолатлари жамиятимизда афсуски учраб туради. Ўзбекистон оила қонунчилигида бу масала қатъий тақиқланган, бунинг учун жазо чоралари ҳам кўрилган.

Хар бир шахс фақат якка никоҳда бахтли бўлиши мумкин. Якка никоҳлилиқ тамойили юксак ахлоқий қоидалардан келиб чиқмоғи лозим. Бундай қоида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичидаги никоҳ-оила муносабатлари талабларига жавоб беради. Бу қоида-нинг бузилиши никоҳни ҳақиқий эмас деб топишдан ташқари, қонунни бузган шах-

сларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

2. Қариндошлар ўртасида никоҳ тақиқланади.

3. Никоҳланувчиларнинг лоақал биттаси руҳияти бузилиши сабабли муомалага лаёқатсиз бўлса ҳам никоҳни қайд этиш мумкин эмас [Abu Zahra Muhammad, 1957; 218-б.].

Шариат қоидалари бўйича юқорида таҳлил этилган шартларга риоя қилиниши нуқтаи назаридан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатига кўра, никоҳ уч турга бўлинади.

1. «Никоҳи саҳиҳ» – бу белгиланган барча қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳ бўлиб, у барча ҳуқуқий оқибатларга эга.

2. «Никоҳи фосид» – бу никоҳни қайд қилиш билан боғлиқ баъзи қоидаларга риоя қилилмаганлиги натижасида вужудга келади. Масалан, гувоҳларсиз никоҳни қайд қилиш, гувоҳларга қўйиладиган талабларга риоя қилмаслик. «Никоҳи фосид» қайд қилинганлиги аниқланганда қози йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш чорасини кўриши лозим. Агар камчиликларни тузатиш мумкин бўлмаса ёки эр-хотин камчиликларни тузатиш-ни хоҳламаса қози никоҳни бекор қилиши лозим.

3. «Никоҳи ботил» – бу ноқонуний никоҳ. Бунга яқин қариндошлар ўртасида қайд қилинган никоҳ, бошқа кишининг никоҳида бўлган аёл билан қайд қилинган никоҳ, аёлнинг идда муддати тугамасдан қайд қилинган никоҳ мисол бўла олади. «Ботил никоҳ» қози тамонидан дарҳол бекор қилиниши лозим.

Таҳлилларимиздан шундай хулоса қилиш мумкинки, ислом ҳуқуқида никоҳ тенг ҳуқуқли аёл билан эркак ўртасида эркин, ихтиёрий тарзда, шариатда белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилиниб тузилган иттифок бўлиб, монеликларсиз, тўғри тузилган бу иттифок заминидагина оила ҳамда эр-хотин ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ислом ҳуқуқида эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний (саҳиҳ) никоҳ оқибатидагина юзага келади. Никоҳдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қонуний никоҳдан келиб чиқишига урғу берилар экан, никоҳ шартномасининг ҳуқуқий шартларига асосий эътиборни қаратиш лозим. Умуман олганда, инсон ҳаётининг никоҳдан кейинги даврининг муваффақиятли кечиши ёки аксинча бўлиши кўп нарсаларга боғлиқ. Оилани пок сақлаш учун уни хар томонлама соғлом, саодатли ва мустаҳкам бўлишини истаган, турмуш қуриш бўсағасида турган хар бир ёш ўзи учун бир умрлик жуфти ҳалол танлашда эътиборли бўлмоғи кераклиги маънавий қадриятимиз бўлмиш ислом таълимотида алоҳида таъкидланади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Abdulg'aniy G'animiy al-Maydoniy Hanafiy. Al-Lubob fi sharh al-Kitob. – Bayrut.: «Al-maktaba al-ilmiyya», 2005. 3 J. – B. 21.
2. Abu Zahra Muhammad. Al-ahvol ash-shaxsiyya. – Qohira.: «Dor al-fikr al-arabiy», 1957. – B. 218.
3. Al-Imom Ahmad ibn Hanbal. Mavsu'at hadisa. Musnad. – Bayrut.: «Muassasat al-risola», 1999. T.4. – B. 394.
4. Burhoniddin Marg'inoniy. Hidoya. T. 1. – Toshkent.: «Adolat», 2000. – B. 646.
5. Burhoniddin Marg'inoniy. Al-Hidoya sharh bidoyatul mubtadiy. – Bayrut.: «Dar al-kutub al-ilmiyya», 1971. 1-2 J. – B. 206.
6. Vagapov M.V. Islam i sem'ya. – Moskva.: «Nauka», 1980. – S. 46.
7. Imom Buxoriy. Hadis. – Toshkent.: «Qomuslar bosh tahririyati», 1997. – T. 4. – B. 350.
8. Imom Buxoriy. Hadis. – Toshkent.: «Qomuslar bosh tahririyati», 1997. – T. 3. – B. 398-399.
9. Karaman H. Mukayeseli Islam hukuki. – Istanbul.: 1974. – B. 294.
10. Mansur A. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. – Toshkent.: «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi, 2006. «Baqara» surasi. 232-oyat.
11. Maqsudxo'ja ibn Mansurxo'ja. «Majma' ul-maqsud yoki Muxtasar ul-viqoyaning o'zbekcha sharhi» J.1. – Toshkent.: «Adolat», 1996. – B. 383.
12. Mashanov M. Muxamedanskiy brak v sravnenii s xristianskim brakom v otnoshenii ix vliyaniya na semeynuyu i obshchestvennuyu jizn cheloveka. – Kazan'.: Tipo-i litografiya K.A. Tilli, 1876. – S. 67.
13. Muhamedov R. (2001). Konstitutsiya – nikoh va oila munosabatlarining huquqiy asosi. – Toshkent.: «Fan».
14. Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Islomiy oila farog'at qasri. – Nashr joyi va nashr yili ko'rsatilmagan. – B. 15.
15. Muhiddin S. Oila va shar'iy nikoh odoblari. – Toshkent.: «Movarounnahr», 1999. – B. 15.
16. Muxtasar (Shariat qonunlariga qisqacha sharh). – Toshkent.: «Cho'lpon», 1994. – B. 89.
17. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent.: «O'zbekiston», 2015. – B. 20.
18. O'zbekiston Respublikasining Oila kodeksi. – Toshkent.: «Adolat», 2007. – B. 9.
19. Otaxo'jaev F. Nikoh va uning huquqiy tartibga solinishi. – Toshkent.: «O'zbekiston», 1995. – B. 8.
20. Sarsenbaev A.B. Islom huquqida mulkiy masalalar. – Toshkent.: «Movarounnahr», 2011. – B. 22.
21. Faxruddin Abulmaxofir Hasan ibn Mansur O'zgandiy. Fatovoi Qozixon. – Bayrut.: «Darul fikr», 2010. 7-jild. – B. 196.
22. Shaydulina L.I. Arabskaya jenshina i sovremennost (evolyutsiya islama i jenskiy vapros). – M.: «Nauka», 1978. – S. 107, 116.
23. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Hadis va hayot. 13-juz. – Toshkent.: «Sharq», 2005. – B. 25-26.

